

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

19 " ИЮНЬ 2018 й. г. № 459

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолиятини
ташkil этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташkil этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълими марказининг:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернат негизида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатини (кейинги ўринларда ихтисослаштирилган мактаб-интернат деб аталади) ташkil этиш;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатни Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, М. Шайхзода кўчаси, 64-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1-сонли Тошкент академик лицейи биносига жойлаштириш;

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Гёте кўчаси, 54-уй манзилида жойлашган Мирзо Улуғбек тумани политехника касб-хунар коллежининг бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1-сонли Тошкент академик лицейига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида, шунингдек, бошқа асосий воситаларини (устахоналардаги жиҳозлар бундан мустасно) бепул бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Белгилансинки, Мирзо Улуғбек тумани политехника касб-хунар коллежига 2016-2017 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган ўқувчилар ўқишларини ўз мутахассисликлари бўйича ушбу касб-хунар коллежи биносида тамомлайдилар ва уларга давлат намунасидаги дипломлар белгиланган тартибда берилади.

2. Қуйидагилар ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ички ишлар органларининг, биринчи навбатда хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизматни ўташ давомида олган ярадорлиги, контузияси, касаллиги ва жароҳатланганлиги оқибатида ногиронликка учраган ёки вафот этган ҳарбий хизматчи ва ходимларининг (кейинги ўринда ходимлар деб аталади) фарзандларига таълим ва тарбия бериш ҳамда уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ўқувчиларни умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ сифатли ўқитишни ташкил этиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ва ҳарбий академик лицейларда ўқишни давом эттиришлари учун зарур ва етарли бўлган чуқурлаштирилган назарий ва касбий тайёргарлигини таъминлаш;

таълим жараёнига миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар, тарихда аجدодларимиз кўрсатган жасорат ва бугунги кундаги Ўзбекистон Қуролли Кучларининг қаҳрамонлик анъаналари асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш.

3. Белгилансинки:

ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолиятига раҳбарлик қилиш ва назоратни ташкил этиш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади;

ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга методик ёрдам кўрсатиш, дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар, мультимедиа иловалари билан таъминлаш, шунингдек, педагог кадрлар малакасини оширишни ташкил этиш – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади;

ихтисослаштирилган мактаб-интернат ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Халқ таълими вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг шаҳодатланган ходимлари қонун ҳужжатларида ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун белгиланган барча турдаги ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланади;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатни сақлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқишга ҳар йилги қабул квотаси 50 нафар ўқувчини ташкил этиб, унинг 80 фоизи ходимлар ва 20 фоизи бошқа фуқаролар фарзандарига тақсимланади. Мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб, қабул квотасига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан киритилади;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўқишга ходимлар ва бошқа фуқароларнинг умумтаълим муассасаларида 4-синфни тамомлаган фарзандлари (ўғил болалар) ҳар йилги қабул квоталарига мувофиқ танлов асосида қабул қилинади. Бунда, жамоат тартибини сақлашда, жанговар ҳаракатларда, террорчиликка қарши операциялар ўтказишда, фавқулодда ҳолат тартибини ҳуқуқий таъминлаш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда иштирок этган вақтда ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари ўқишга танловсиз қабул қилинади;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўқувчилар 5-синфдан 9-синфгача белгиланган умумтаълим дастурлари асосида, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ўқиш ва яшаш учун зарур шарт-шароитлар, тиббий хизмат билан бепул таъминланган ҳолда доимий яшаб таълим оладилар;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 9-синф битирувчилари қонун ҳужжатларида белгиланган талаб ва имтиёзлар асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейларига ўқишга қабул қилинади;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқишга кириш бўйича белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ёки ушбу академик лицейларда ўқишни давом эттириш истагини билдирмаган 9-синф битирувчилари белгиланган тартибда ўзларининг доимий яшаш манзилида жойлашган умумий ўрта таълим мактабларининг 10-синфларида ўқишни давом эттириши ёки бошқа академик лицейларга ўқишга кириш учун саралаш имтиҳонларида иштирок этишлари мумкин.

4. Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг харажатлари:

а) 2018 йилда – заруратга кўра мебель, ўқув-лаборатория, замонавий компьютер техникаси, спорт анжомлари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларни моддий рағбатлантириш ва бошқа харажатлар махсус жамғармаси ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига;

б) сақлаш харажатлари:

2018 йилда – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида мудофаа ва ҳуқуқ-тартибот органлари учун назарда тутилган маблағлар доирасида;

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари асосида Молия вазирлиги томонидан назарда тутилаётган Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобига қопланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг уставини тасдиқласин ҳамда унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат таълим стандартлари асосида ихтисослаштирилган мактаб-интернатда чуқур ўргатилиши лозим бўлган фанларни назарда тутган ҳолда ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш, ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва уларнинг ўқишини кўчириш қоидаларини назарда тутадиган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқласин;

Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда икки ой муддатда ихтисослаштирилган мактаб-интернатга юкланган вазифаларни самарали бажариш учун зарур бўладиган бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг янгиланган штатлар жадвалини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларини озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал, юмшоқ анжомлар ва бошқа зарур буюмлар билан таъминлаш меъёрларини тасдиқласин;

бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ҳамда ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов